



## IMPROVING THE ECONOMIC MECHANISM TO SUPPORT EXPORT POTENTIAL IN THE CONTEXT OF LIBERALIZATION OF THE FOREIGN EXCHANGE MARKET IN UZBEKISTAN

**Sadikov Anvar Adhamovich**  
Republic of Uzbekistan Foreign  
National Bank of Economic Activity IS  
Risk Management Department,  
ASadikov@nbu.com  
Tel: +998 90 977 12 00

### **Abstract:**

The article considers the directions for the liberalization of the foreign exchange market in Uzbekistan, the identification of factors influencing the promotion of export potential, and thus the development of recommendations to support the export potential of enterprises.

### **Keywords:**

Currency, investment, exports, unemployment, Central Bank, foreign exchange market, business entities, economy, investment.

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ВАЛЮТА БОЗОРИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ЭКСПОРТ САЛОХИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Садиков Анвар Адхамович**  
Ўзбекистон Республикаси Ташқи  
Иқтисодий Фаолият Миллий Банки АЖ  
Хатарларни бошкариш департаменти,  
ASadikov@nbu.com  
Тел:+998 90 977 12 00

### **Аннотация:**

Мақолада Ўзбекистонда валюта бозорини эркинлаштириш, экспорт салоҳиятини қўллаб-қувватлашга таъсир этувчи омилларни аниглаш ва бу орқали корхоналарни экспорт салоҳиятини қўллаб-қувватлаш қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш йўналишлари кўриб чикилди.

### **Калит сўзлар:**

валюта, инвеститция, экспорт, ишсизлик, Марказий банк, валюта бозори, хўжалик юритувчи субъектлар, иқтисодиёт, инвестиция

Сўнги йилларда Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолияти жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Хорижий сармоялар иштироқида янгидан-янги қўшма корхоналар вужудга келиб ташқи иқтисодий фаолиятга қўшилмоқда. Республикамизга валюта оқимини кириб келишини жадаллаштириш учун экспортга кўмаклашиш ва экспортни рағбатлантириш мухим ўрин тутади.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги “Экспортга кўмаклашиш ва уни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, экспортни

қўллаб-қувватлаш миллий тизими яратилди.<sup>1</sup> Инвеститциялар ва ташқи савдо вазирлиги хузурида эхпортни рағбатлантириш агентлиги ташкил этилди. Шунингдек, 205 номдаги товарларни эхпорт қилишда транспорт харажатларининг 50 фоизини қоплаб бериш йўлга кўйилди.

Бундай амалий чора-тадбирлар албатта ўз натижасини бермоқда. Эхпорт билан шуғулланадиган субъектлар сафига 2 мингта янги корхона қўшилди, эхпорт деографияси 42 та давлатга кенгайди, 59 турдаги махсулот биринчи марта эхпорта йўналтирилди. Жорий йилнинг етти ойи мобайнида товарлар ва хизматлар эхпорти 7 миллиард 331 миллион долларни ташкил этган, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23 фоизга кўп.

Мамлакатимизда фаол инвеститциялар сиёсати юритилиб, иқтисодиёт тармоқлари ва худудларга тўғридан-тўғри хорижий самоялар йўналтирилаётгани натижасида кўплаб лойихалар амалга оширилмоқда. Масалан, 2019 йилнинг биринчи ярмида 85 триллион 775 миллиард сўм инвеститция ўзлаштирилган, бу 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 1.6 баробар кўпдир. Асосий капиталда тўғридан-тўғри хорижий инвеститцияларни улуши 2.5 баробарга ошиб, 1.7 миллиард долларга етган.

Ўзбекистонда валюта бозорини эркинлаштириш шароитида экспорт салоҳиятини қўллаб-қувватлаш иқтисодий механизмини такомиллаштириш йўналишларини белгилаб берувчи кўплаб карорлар қабул қилинди.

Республикамизда тасис этилган "Харакатлар стратегияси"да 2017-2021 йиллрга мўлжалланган дастури доирасида амалга оширилаётган учинчи йўналиш – Иқтисодиётни ривожлантириш ва ливераллаштириш мамлакатимиздаги бутун иқтисодий тизимни тубдан ислоҳ қилишни қўзда тутган.<sup>2</sup> Бу билан мамлакатимиздаги махсулот экспорт қиласидаги корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, эхпорт салоҳиятини мустахкамлаш бўйича қабул қилинган амалий чоралар мухим ахамиятга эга.

Сўнги йилларда Республикализ Жаҳон савдо ташклотига аъзо бўлиш устида жиддий қадамларни ташлади. Ўзбекистон 2030-йилга бориб ташкилотнинг тўлақонли аъзоси бўлиши кутилмоқда. Ташкилотга аъзо бўлиш республиканинг халқаро хамжамиятга интеграциялашувини том манода таъминлаб беради. Бу эса, ўз навбатида мамлакатимиз эхпорт салоҳиятини оширишга хизмат килади. Ўзбекистон географик жойлашуви жихатидан бевосита очик уммонга чиқиш имкониятига эга эмас. Ташқи савдони ривожлантиришдаги тўсиқлардан бири, бу логистика билан боғлиқ жараёндир. Шунинг учун темир йўл ва автомобил йўлларини яхшилашни тақазо этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон 10 та транспорт коридори орқали жаҳон бозорига ўз махсулотлари билан чиқмоқда. Маълумки, дунёнинг турли мамлакатларида экспорт салоҳиятини оширишни рағбатлантириш сиёсати улардаги ривожланишнинг турли босқичларида ўтказилган. Хар бир давлат ўз иқтисодий шароити ва тараққиёт йўлидан келиб чиқиб ўз келажагини белгилайди.

Жорий йилда Ўзбекистонда валюта бозорини эркинлаштиришга қаратилган Ўзбекситон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 2021-йил 9 январда ички валюта бозорида валюта олди-сотди опрацияларининг амалга оширилишини янада такомиллаштириш борасида қарор қабул қилинди. Мазкур қарор билан "Ўзбекистон Республикаси Маркази банкининг 2021-2025 йиларга мўлжалланган валюта интервенсиялари стратегияси" тасдиқланди. Стратегияда Марказий банкинг валюта интервенсияларни амалга оширишнинг мақсад ва вазифалари қайд этилди.

Мазкур қарорга мувофиқ, 2021- йилнинг 15-февралидан бошлаб, ички валюта бозорларида амалга ошириладиган валюта оди-сотди савдолари бўйича қуйидагилар жорий этилди:

<sup>1</sup> 2018 йил 20 декабрдаги "Эхпортга кўмаклашиш ва уни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори.

<sup>2</sup> 2017 йил 7-февралда қабул қилинган ПФ-4947-сонли фармон. "Харакатлар стратегияси" 2017-2021 йиллрга мўлжалланган дастури.

1. Ўзбекистон Республикаси валута биржасида савдо сессиялари амалдаги "fisking" усулидан "koll auksion" ва икки томонлама узлуксиз аукцион "matching" савдо усулларига ўтказилиши;

2. Валута биржасида валута олди-сотдиси бўйича савдо сессияларини соат 10:00 дан 15:00 гача "online platforma" орқали амалга оширилиши;

3. Валута биржасида валута олди-сотдиси бўйича хисоб-китобларнинг хозирда мажуд T+0 (бугунги иш куни) шаклидан T+1 (кейинги иш куни) шаклига ўтказилиши;

4. Тижорат банкларининг валута биржаси савдоларида мижозлар номидан иштирок этиш амалиётидан воз кечган холда хўжалик юритувчи субъектлар билан валута операцияларини тўғридан-тўғри валута позитцияси орқали амалга оширилиши белгиланган.

Ушбу амалга оширилаётган ўзгаришлар ички валута бозорининг инфратузилмасини такомиллаштириш, валута курсининг шакилланишида тижорат банкларини ролини янада ошииш хамда тадбиркорларнинг маблағларини зарур бўлган маблағларга тезкор равишда алмаштириш имкониятини яратади.

Бундай ислохотлар туб негизида Ўзбекистонда валута бозорини эркинлаштириш, мамлакатни экспорт салоҳиятини қўллаб-қувватлаш орқали барча соҳаларни ривожлантириш мақсади ётади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФФ-4947-сон фармони, Халқ сўзи, 8-феврал 2017 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий мажлисга қилган мурожаатномаси", Тошкент, 2021 йил.
3. Т.И.Бобоқулов, Ўзбекистон Республикаси миллий валута курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни хал қилиш йўллари. И.Ф.Д илмий даражаси олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати.- Тошкент.2008 йил.
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. [www.library.ziyonet.uz](http://www.library.ziyonet.uz)
6. [www.stat.uz](http://www.stat.uz).